

1

Килгилик килиниб, бечора кизнинг кизлиги олиниб, бўлар иш бўлиб битгандан кейин, иккаласи жимжит бўлиб икки томонга чўзилишдилар. Уйнинг ичи, ташкари ховли, кўча-кўй худди тонг отишидан сал бурунги вақтлардай — чуқур, вазмин ва тинч бир жимликка боткон эди. Баъзи-баъзидагина пастак пиромондан бир жуфт эр-хотин мусичаларнинг кукулашлари, кўшни ховлидан ёш болаларнинг ўйин устидаги шовкунлари, кўча томондан якка-ярим йигитларнинг кучсиз ва гамли кўшиклари эшитилиб кўярди. Дарвоза эшикнинг тор бир ёригидан уй ичига жиндаккина ёруглик тушар ва у ҳам ёлғиз кизнинг сўлгин юзини ёритарди.

Сўфининг шомга айтган азони Олмасбойни кўзготиб юборди. У секингина туриб, усти-бошини тузатди-да: «Киз ухлаган бўлса, уйготиб кўяйин!» деб унинг бошига келди. Киз кўзи очик, эзилган, беҳол... чўзилиб, хаёлланиб ётарди. Оппок оқарган юзларини секингина Олмасбойга бурди. Хоин эркакнинг мархаматсиз кўзлари билан алданган кизнинг сўник кўзлари бир-бирига йўликишди. Эркак мағрур. Захарли ва совук бир кулиш билан кулди. Киз жуда огир бир жирканиш билан юзларини бурди. Яна жим бўлдилар. Олмасбой кизнинг юзларига мағрурлик назари билан яна бир оз караб тургач, шарпасиз кадам кўйиб эшикли теразага якинлашди ва унинг бир канотини секингина очди. Уй ичи бирдан яраклаб кетди. Киз тезгина очик-сочик ётган ерларини кўрпа билан беркитди-да, туриб ўтирди. Шу чок эшикни очкали бораётган Олмасбой билан кизнинг кўзлари яна учрашган эдилар. Кизга оркаси билан тургон Олмасбой ёлғиз калласинигина буриб, халиги мағрур кулиш билан унга каради: киз бу сафар изтироб ва кийнок аралаш бир юз билан тўппа-тўгри эркакнинг кўзларига тикилди-да, бўшанг бир овоз билан:

— Нима килиб кўйдингиз? — деди.

Захарли ва мағрур кулишни яна бир оз кучайтира туриб Олмасбой ҳам безбетларча жавоб кайтарди:

— Маза бўлди, кўя беринг...

Киз бу сўздан кейин жуда чуқур жирканиш билан юзини бурди ва титраган лаблари орасидан мана шу икки огиз сўзни зўрга чиқара олди:

— Маза бўлмай ўлсин, илохим!

Олмасбой кизнинг бу сўзини бир ноз ва кизларга хос истигно деб англаган эди. Шунинг учун хурсанд бўлиб бир кулди-да, эшикка караб юрди. Холбуки, эшикнинг бир каноти очилган вақтда кизнинг кўзларидан йирик донали кўз ёшлари каторлашиб туша бошлаган эдилар...

Олмасбой эшикнинг ёнида туриб, оркасига ҳам карамасдан:

— Туринг, дарров усти-бошларишизни тузатинг. Хотинлар ковун сайлидан келишиб колади. Мана мен эшикка чикиб тураман! — деди. Шу гапни айтиб бўлди-ю, оёгини остонага кўйди ва ташкаридан туриб эшикни ҳам ёпди.

Киз куйикиб-куйикиб бир оз йиглагач, ирғиб ўрнидан турди. Наридан-бери усти-бошларини тўгрилади. Асли ўзи ҳам усти-бошларини ечмаган, оч бўрининг чангалига кўчадан қолган бўйича тушиб қолган эди... Бутун борлигида тўлиб-тошган изтироб ва газаб, хоргинлик ва дармонсизликни сездирмас эди. Бири тоқчада ва бири ерда ёткон паранжи-чимматни тезгина қўлга олди. Уйдан югурганича чикиб кетмакчи бўлиб ўзини эшикка урди. Эшик кулфланмаган эди. Дарров очилди. Очиши билан эшикда

Олмасбой кўринди. Шу кадар тезлик ва шошилишлик билан уйдан отилиб чиқаётган киз кандайдир бир кучнинг таъсири билан етган жойида тўхтади ва кўз очиб юмгунча паранжисини иргитиб уйга кириб келди. Унинг кетидан думма-дум Олмасбой ҳам кирган эди. Кўзлари бурунгидай гурурли эмас, мардлик аралаш бир изтироб билан жуда «мўмин ва сўфи» бўлиб кўринар эди.

— Ха, ойим киз, йўл бўлсин? Жўнаб ётибсизми?

Киз «ойим киз» деган икки огиз сўзнинг биттадан иккита найза бўлиб танга ботганини сезди. У титради, лаблари елга йўликкан яроклардай дир-дир калтирай бошлади. Кўкси кисилди, дами огирлашди, хансиради. Шу холда бир оз безгакланиб тургач, бирдан бакирди:

— Имонсиз!..

Олмасбой бемалол кулиб туриб деди:

— Ойим, сизга нима бўлди? Мусулмон, калимагўй одамни имонсиз дейсизми? Нима гунох килдик?

Киз калтираб туриб токчадан бир пиёла олди ва титраган кўли билан Олмасбойга караб иргитди. Олмасбой салгина бир томонга сингайиш билан пиёлани ёнидан ўткарди-да, бу сафар баланд гурур билан бир ках-каха отди.

Денгиз шу кадар буюклиги билан хамма вақт киргоклардан енгиледи. Аччиги келганда, газаби кайнаганда зўр-зўр тўлкинлар кичик-кичик мавжларни киргокнинг тош-метин гавдасига караб отади. Киргок, юкориларга кўтарилиб кетган мрамар киргок, кошки пинагини бузса! Бечора тўлкинлар, мавжлар синиб майда-майда бўлиб, яна денгизнинг кўксига тушди. Денгиз уларни яна силаб-сипаб бошини бир ерга ковуштириб, тўплаб, яна киргокка отади. Яна бўлиниш, яна парчаланиш... Туганмас олишиш!

Киз — денгиз Олмасбой — киргокнинг пўлат танига кичкина бир пиёлани ёлгиз бир дафъагина отди. Шунда ҳам бу жонли киргок чап берди-да, мўрига тегиб парчаланган бечора пиёла бўлди. Шундан сўнг киз — денгиз ўз ожизлигини билди ва бутун кахри ва газабини ўз танига сингдириб олиб, паранжисини бошига ташлади-да, гизиллаб эшикка чикди.

Ох! Зиндонга кирганларнинг осонликча чиқишлари мумкинми? Бўрининг чангалига «омон» сўзи аслида ёзилганми? Шер кўлига тушганни кўйиб юбориш учун яратилганми? Аждар агар бор бўлса, бутун шухратини мархамат оркасида чиқарганми? Чукур жарлар, юксак қоялар, вахимали учуримлар... Одам боласини юлиб, кўтариб, юксакларга олиб чикмок вазифасини кўрадиларми? Килич ўпиш берадимми? Ханжар пешонангиздан силайдими? Чаён наштарга ўхшаш игнаси билан чокингишни тикадимми? Йўк!..

Киз уйдан икки-уч кадам жилган эди... Оркадан ўша бурунги кучли хирс билан келиб ёпишди. Омонсиз билаклар шу кадар «яхши» ишлар эдиким, киз бечорага на бакириш, на чакириш, на кимирлаш ва на силкиниш учун озгина бир имкон колмаган эди.

Бояги уйда, бояги жойда, бояги эркак боягидай босди....

Ковун сайлидан келадиганлар — келмас бўлганлар, тан ва тан бўлаклари кучли эркакнинг истакларига тугал бўйин эгиб кетган эдилар...

Бу сафар киз тез кўзгалди. Дарров турди, уст-бошини тузатди, паранжини кўлга олди ва шамол тезлиги билан уйдан чикди.

Оркасидан Олмасбой гурур аралаш ках-каха билан гапириб колди:

— Ойимтилла! Бекор кетаётирсиз! Бу кун хотинлар ковун сайлидан келмайдиган бўлибдирлар. Колсангиз тонг отгунча базм килар эдик. Маза бўлар эди...

Киз кўча эшикка етганда ичкаридан Олмасбойнинг бакиргони эшитилди:

— Новвой киз! Нон тўла саватинг колибдир!

2

Ярим сўмга етар-этмас пул билан киз бечора уйига келган вактида онаси — кампир ўлим тўшагида ётган эди. Офтобда катик ичишган кариндошларидан бир кампир уч-тўрт кундан бери касалга карайди. Касал бу кун хўрдасини ҳам ичмаган, уни кизга колдиргандир. Бўлмаса, киз балки иссиксиз коларди...

Олим олдидаги онанинг бош томонида ўтириб, курук сувдан кайнатилган бемаза хўрдани ичаётган, шу кампирдан бошка бу дунёда хеч кимсаси бўлмаган бечора киз ўйлайди: «О... бечора онам! Олим олдида ҳам ўз насибасини менга беради. Ох! Мундан кейин кимнинг насибаси билан тўяман!..»

Ой мундан нари ўтгач, ойсиз тунлардай борган сари кораяди. Кўчаларда судралиб, хар бир йўликканга сотилиб, «севган»дан ўпиш, «севмаган»дан кўпол бир туртки еб яшаш кўз олдида келади.

Сўфи одамларни «фаллох» (кутулиш)га чакирган вактида кампир ҳам... узилди. Энди киз бечора хали канотини ростламай туриб онасини ва уясини йўкотиб кўйган кушдай бўлган эди...

Она ўлди.

Хеч ким билмасдан, сезмасдан кўмилди...

Кампирнинг хеч кими йўк эди. Лекин кампирнинг «хар кими» бўлганда ҳам унинг кўнини ҳам билмаган эди. У онасини ўзининг аламли кўнглида аллакачон... аллакачон кўмган эди.

Кенг юрт...

Кўп халк...

Кампирнинг ўлгани, кўмилгани бир махаллага ҳам билинмагани билан, кизнинг «аллаким» билан ўйнашиб юргани ҳаммага билинган, бутун шаҳарга доврुक бўлган эди. Ахир, киз хеч ким билан ўйнашгани йўк-ку! Уни: «Уйимда хатми хошам бор, нонингни тугал оламан, юр менинг билан бирга», деб олиб кетиб, куч билан босган Олмасбой эди-ку! Киз беш-олти йил уйида нон ёпиб сотиб, биргина онасини боккани холда, хеч кимга кийшанглаб гапирмаган эди-ку! Кизда килча ҳам гунох йўк-ку!.. Лекин бу хакикатни Олмасбойнинг уйидаги девор ва теразалар билан ўша ерда колган нон саватидан бошка ким билади? Ким? Хеч ким! У жонсиз нарсалардан ун чикмаса, овоз эшитилмаса, товуш келмаса, нима килайлик? Нима?..

Орадан роса икки йил ўтмади — бечора киз икки эрга тегиб чикди. Бурунрок унинг ёшлиги, хусни, тозалиги, бир оз умиди бор эди, энди у нарсалардан хеч бири колмади.

Сўнгги эридан чиккан вактида устида бир катор эски кийими, бошида «худо урган» бир паранжи-чиммати колиб эди. Ундан икки-уч ой ўтгач, паранжи-чиммат ҳам ташланди.

Энди эски, йиртик бир катор кийим, эзилган юрак, чарчаган гавда, гангиган эсгина колди...

3

Суд.

Ибратли суд.

Кичкина масжиднинг кенг сахни одам билан лик тўлган. Бизнинг кичкина

«тарзан»ларимиз — ёш болалар, теграсидаги дарахтларнинг шохларига чугирчикдай ёпишиб олгонлар. Мингларча халк тўпланган ерда — пастда шовкин кам, юзча «ўзбек тарзанлари» тўпланган жойда — юкорида дарахт шохларида катта шовкин:

— Ахмад, каэрдасан?

— О... Йўлчи! Йўлчи хов! Йўлчи!!! Бормисан?

— Эргаш! Бу ёкка кел! Мен бу ёкдаман!

— Тўхта, туш дейман! Туш! Бўлмаса, тепиб юбораман. Айбланувчи кассоб Олмасбой Абдукодир ўгли, кишлокдан нон олиб келган бир кизнинг номусини бузиш билан айбланади.

Суд тинч ўтаётибдир.

Сўроклар тугади.

Шохидлар хам бир-бир ўтдилар.

Айбланувчилар гапирдилар...

Окланувчилар вайсадилар...

Аллакимлар исбот килди...

Аллакимлар тондилар...

Айбдор сўз олди. Тонди, гапирди, гапирди, ўзини оклади...

Унинг сўзи тугаёзганда паранжисиз «папка» кўтарган ёш бир хотин тўгри суд хайъати ёнига келди. У безгакдай титрарди.

Суд кишилари, оклагувчи, коралагувчи, шохид, томошачи... хамма, хамма унга тикилди. У бир оз хушсиз караб тургач:

— Менга сўз!.. — деб бакирди. Халк коралагувчиси уктирди:

— Бу киши хотинлар шўбасининг раисаси! Масала бир хотиннинг номуси устида бўлгани учун мунга сўз берилсин!

У гапини тугатмасдан туриб хотин бакирди:

— Сўз!.. Сўз!..

Бердилар.

Якинга келди. Хамма жим колди. Масжиднинг кенг сахни тўлди, балки кўмилди...

Вакт ўтади...

Хамма кутади.

Хотин жим...

Хаммани изтироб босади.

Бечора хотин калтирайди. «Тўхта парпирак»нинг шохидаги пачгидай калтирайди...

Бошлади. Бирдан каттик бошлади.

— Мен новвой киз эдим... Беш йилдан бери нон ёпиб, ўзим сотиб кари онамни бокар эдим... Бир кун... Бир кун...

У ёгини айта олмади. Нафаси огзига тикилди, бўгилди, бадтар калтиради. Сўнгра бирдан ёввойи бир «дод» чикариб йикилди.

Пастдан хам бир хунук «дод» чикди. Унда айбдор хам йикилди. Икковини суяб олиб кетдилар. Суд бузилди.

Яна суд бўлганда...

Денгиз — киз куллардай жим туриб сўзлади.

Киргок — Олмас тоғлардай тинч туриб тинглади.

Киргок агдарилди.

Тоғ йикилди.

Денгиз мавжлари ва тўлкинлари кучогига олиб, уларни киргоклардан саклаш: кўриклаш

кайгисига ботди.